

## Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Самарқандга ташриф буюрди



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар жорий йил 31 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Йўлбошчимиз қабрига гул қўйилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Ислом Каримов руҳи покларига Куръон тиловат қилинди.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби, халқаро майдонда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси манфаатларини муносиб ҳимоя қилган улуг сиёsatчи бўлгани таъкидланди.

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти Ҳиндистон хукумати ва халқини ҳам чукур қайғуга солди, – дейди Мобашар Жавад Акбар. – Чунки Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон раҳбари, балки халқаро майдонда юксак нуфузга эга, тинчликпарвар, доно сиёsatчи эди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иктисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида Ислом Каримовнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз бу алоқаларни изчил давом эттиришга тайёрмиз.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихидан сўзловчи "Афросиёб" музейидаги ноёб экспонат ва ашёлар, дунёга машҳур деворий суратларни қизиқиши билан томоша қилди. Шаҳар ўтмиши акс эттирилган ҳужжатли фильм уларда катта таассурот қолдирди.

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш чоғида мазкур ёдгорликнинг яратилиш тарихи, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуи ва шаҳардаги бошқа тарихий обидалар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ҳиндистонлик меҳмонларда катта қизиқиши уйғотди. Меҳмонлар бундай ноёб меъморий обидаларни бунёд этган буюк аждодларимиз ақлу заковатига, уларни безавол асрраб келаётган бугунги авлоднинг тарихимизга

муносабатига юксак баҳо берди.

ЎзА